

Ажойботлар СҮННТИ СИНОВ

Шу ишни ўз қўлим билан қилиб қўйганимдан ҳали-ҳали пушаймонман. Бундай бўлишни қақдан билай, ахир. Мен хотинимнинг қўлидан иш келиш-келмаслигини билгим келганди, холос.

Бирга турмуш қўрганимиздан кейин уни тез-тез синовлардан ўтказардим. У ҳам пойғачи отдек, тўсиқларни писанд қилмасди.

«Ха, майли» деб, «Шахмат» журналининг янги сонини варақлай бошладим. Кўзим ундаги ажиб эълонга тушиб қолди: барча хоҳолувчилар хат орқали ўйналадиган турнирда иштирок этишга таклиф қилинди. Шу пайт миямга бир фикр келиб қолди: ўйинга қўшиларини хотиним номидан илтимос қилдим ва бошқа гапларни ҳам ёзиб юрдим.

... Жавоб келди, хотинимнинг номига, албатта. Хотиним хатини у ёқ-бу ёғини айлантириб қўрди, ҳеч нарсага тушунмади. Хатда хотинимнинг турнирга қўшиб қўйилганлиги ва иштирок этиши кераклиги айтилди.

Хат адашиб келганга ўхшайди. Жўнатиб юбор. Ешлигингда шахмат ўйнагансан, бу ўйиндан озмас хабаринг бор-у, лекин ҳар ҳолда, бу иш қўлингдан келмайди, — дедим унга. Шундай дейишим билан хотинимдаги иккиланган асар ҳам қолмади. У стол ёнига бориб ўтирди-да, катнашчиларнинг барчасига хат ёза бошлади. Оқ дочаларда биринчи нимани юришни аглаптиб қўйди.

— Бу ишинг, барибир, узоққа бормаиди, — дедим.

Бирок кўнглим бекорга ноҳуш бўлган экан. Хотиним бу ишга жиддий, жон-ҳақи билан киришди. Ҳар куни ярим кечагача ўтиради, шахмат китобларини титиб, керакли жавобларни топади. Бутун кутубхонами уйга ташиб келтирди. Мана буни ҳам ўзи ўйлаб топди. Ошхонадаги газ плитасининг тепасига катта шахмат тахтасини осиб қўйди. Уни ишхонасидагилар ясаб беришди. Доналари ҳам магнитдан. Хотиним ҳам оқват пиширади, ҳам ишдан ажралмаган ҳолда позициялар устида бош қотиради... Дастлабки кунлари шўрвадан у-бу, айниқса, пивдалар чиқиб турди. Лекин кейинроқ бу нарса йўқолди. Хотинимнинг иш олдига менга ёқарди ҳам. Баян ошхонага компот игани кириб, бироз томоша қилиб турардим. Баян пивдалардан бирини бошқасига ўхшатиб суриб кўрдим. Гоҳо кўшни хотин-халалар: «Эхтиётроқ бўлиб сурармишсиз, тагин беҳос отни киш қилиб қўймаг», — деб қулишарди...

Хуллас, аввало иш шу йўсинда борди, кейинчалик ҳазил-мутойиба хатлар ҳам кела бошлади. Ҳа, мен уни эркаклар турнирига ёзириб қўйган эканман. Ленинградлик аллаким шундай деб ёзибди: «Турнирдаги наъматаклар орасида атиргул борлигидан хурсандман... Уйинимиздан кўнглингиз шод бўлади, деган умиддаман». Энди, Тошкентда яшайдиган ўйинчининг гапини ҳам эшитинг: «Биздек ўн бешта жонон йигит орасида сиз яққа-ю яғона гулсиз. Сурагингизни юборинг».

Ўзини кўрмай мақташни қаранг-а. Катта холамнинг суратини олдим-да, ҳалиги тошкентлик йигитга юбордим. Шу-шу хатларида шахмат юришидан бўлак нарса ёзмайдиган бўлди.

Бир кун ишдан келсам, хотинимнинг чечрасидан нур ёғилиб турибди.
— Намунча хурсандсан? — сўрадим.
— Сифат ютдим.


Сифат дегани нималигини тушунмасам ҳам ортиқча суриштириб ўтирмай, оқватини ёза бошладим. Ҳақиқатан ҳам, бугунги шовла жуда сифатли бўлибди.

Лекин уйнаш борган сари қийинлашарди. Китобий вариантлар тугаб, тахтада мураккаб вазиятлар пайдо бўлди. Мен ўйиннинг нозик жойларини яхши тушунмасам ҳам унча-мунча нарсаларга ақлим етди. Хотинимга қарайман-у унинг қаттиқ қайғураётганини кўриб ачинаман. У кечқурунлари шахмат тахтаси ёнига бориб ўтиради-да, худди мадад сўраётгандай нималарнидир пичирлайди. Кечаси ундан ҳам баттар: ухламайди, агардирлаверади, ҳар хил юришларни ўйлаб топади. Бир кунги ярим кечада чўчиб ўйотиб кетдим... Хотиним тушида валдирапти: — Фил халақит берапти... Сипоҳчи қурбон қилиш керак... Яна инграмасин деб уйғотдим: — Сен қийналиб ўтирма, бирон устага кўнгириқ қил, телефон номерлари ёзилган китобни олгин-да, дуч келганга теравер. Гроссмейстерга кўнгириқ қилсанг яна ҳам яхши. Хамиша чет эл турнирларида ўйнайдиган Иванов бўлмаса, Сидоров бўлар. У Мадагаскарда ёмон ўйнаган бўлса ҳам мен унга ишонаман. Бунинг устига, хотинини ҳам яхши аёл дейишади.

— Йўқ, — деди қайсар хотиним, — ўзим толаман...

Хотинимнинг бу гапидан ҳали кўп вақтгача куним шу тариқа: почтага қолиш, конвертларни ялаб ёпиштириш ва шўрвадан йул-йўлақай урилган пивдаларни олиб ташлаш билан ўтишини тушуниб олдим.

М. МУҲИДДИНОВ.



Бу вазиятда оқлар бошлаб 4 юришда мот қилади.

РАҲБАРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Электр алоқаси асосий хизмат турларининг тарифлари 18 ой давомида ўзгармади. Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва янгилаш, улардан бир маромда фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида «Жалқаро телеком» ҳамда «Маҳаллий телеком» акциядорлик компанияларининг тарифларни ўзгартириш ҳақидаги таклифи қабул қилинди ва Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлигининг 2000 йил 21 июндаги 213-буйруғи билан Ўзбекистон Республикасида 2000 йил 10 июлдан электр алоқаси корхоналарининг айрим хизмат турларига янги тарифлар жорий этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИ БЎЙИЧА ТАРИФЛАР

ТЕЛЕГРАММАГА ТАРИФЛАР: *корхона ва аҳоли учун аввали тарифлар сақлаб қолинди.*

ШАҲАРЛАРАО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ АСОСИЙ ТУРЛАРИГА ТАРИФЛАР

Хизмат турлари	Бир дақиқа сўзлашув учун тўлов миқдори-сўм	
	корхона	аҳоли
Республика доирасида масофасига қараб телефон сўзлашувлари:		
300 км.гача	12,0	6,0
300 км.дан ортиқ	24,0	12,0
Хонадон ва меҳмонхона телефонларида кредитга сўзлашув учун ҳар бир сўзлашувга қўшимча ҳақ олинди:		14,0
Шаҳарлараро телефон станциясига уланган тўғридан-тўғри телефон учун абонентлик тўлови-1 ойга		900,0

ЖАЛҚАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАЛАРИ ХИЗМАТИ ТАРИФЛАРИ

Хизмат турлари	Ҳар бир сўз учун тўлов миқдори-сўм	
	оқлий	шонинлич
ЖАЛҚАРО ТЕЛЕГРАММАЛАРГА ТАРИФЛАР		
Марказий Осиё (Тожикистон, Туркменистон, Қозғоғистон, Қирғизистон) Беларус, Молдова, Арманистон, Грузия, Озарбойжон	26,0	52,0
Европа, Осиё, Африка, Америка, Австралия	59,0	118,0
ЖАЛҚАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАЛАРИ ХИЗМАТИ		
Марказий Осиё, Россия, Украина, Беларус, Молдова, Арманистон		75,0
Грузия, Озарбойжон		100,0
Европа		300,0
Осиё		360,0
Америка, Африка		300,0
Австралия		375,0

Шошилинч тарифлар бўйича сўзлашув учун икки ҳисса миқдориди ҳақ олинади.

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ТЕЛЕФОН АЛОҚАЛАРИ АСОСИЙ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН ТАРИФЛАР

Хизмат турлари	Телефон тармоқлари учун ҳақ миқдори-сўм					
	Муассасалар			Аҳоли		
	Хўжалик ҳисоби	бюджет	бюджет	бюджет	бюджет	бюджет
Вақтбай тўлов-шартлари ва тарифлар ўзгармай қолди	0,50	0,50	0,50	0,50	0,50	0,50
Абонентнинг ойнага 180 дақиқа миқдориди белгиланган дақиқадан ва белгиланган абонентлик тўловидан ортиқча сўзлашган ҳар бир тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган дақиқа учун.						
ИЗОҒ: 01, 02, 03, 04 маҳсул хизматлар билан сўзлашиш, шунингдек, МТСнинг буюртма хизмати билан боғланганлик учун вақтбай ҳақ олинмайди.						

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ БЎЙИЧА АБОНЕНТЛИК ТЎЛОВИ

Асосий телефон аппарати учун, бир ойга:	2500	2400	1415	1353	280	186
хусусий фойдаланишдаги жамоа фойдаланишдаги					473	473
Параллел телефон аппарати	1287	1144	708	630	138	93
Бошқа-бошқа абонентларга ўрнатилган қўшма ва параллел телефонлар учун, ойнага:						
хусусий фойдаланишдаги жамоа фойдаланишдаги	2059	1973	1133	1085	223	157
					372	372

ҚИШЛОҚ ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ БЎЙИЧА АБОНЕНТЛИК ТЎЛОВИ

Асосий телефон аппарати учун ойнага:	990	792	544	435	111	89
хусусий фойдаланишдаги жамоа фойдаланишдаги					186	186
Параллел телефон аппарати	99	79	55	44	55	44
Бошқа-бошқа абонентларга ўрнатилган қўшма ва параллел телефонлар учун, ойнага:						
хусусий фойдаланишдаги жамоа фойдаланишдаги	792	633	435	348	89	70
					148	148

Километр бўйича ҳақ абонентлик ва сўзлашув бўйича белгиланган ҳақдан ортиқча абонент билан шаҳар чегарасигача бўлган масофанинг ҳар километрига, агар абонентнинг телефони шу шаҳар телефон станциясига уланган бўлса	100	83
Ўрнатиш	30-32 фонизга арзонлаштирилган	

Асосий телефон аппаратини ўрнатиш учун рўйхатга олиш ҳақи:	27000	23000	7500
Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида			
вилоят таркибидидаги шаҳарлар ва туман марказларида	18000	14945	5070
қишлоқ жойларда	8185	7472	1898
Параллел телефон аппаратини ўрнатиш учун рўйхатга олиш ҳақи:			
шаҳар ва туман марказларида	1800	1493	520
қишлоқ жойларда	818	750	184

Эслатиб ўтамиз!
Илгари жорий этилган қўшимча имтиёзлар сақлаб қолинди. Чунончи, қуйидагилардан рўйхатга олиш ҳақининг 20 фониз миқдориди ҳақ олинади: умумий фойдаланишдаги телефон тармоқининг илгарилан абоненти бўлган шахслардан, фуқаролар уруши ва 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан, уруш даврида ҳарбий хизматда бўлган шаризан, ҳарбий хизматчи ва эркин ёлланганлардан, 1 ва 2-гурӯҳ меҳнат ногиронларидан, болаликдан ногиронлардан, байналминал жангчилар, Чернобил халокатини бартараф этиш иштирокчиларидан, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронларидан, ногирон байналминал жангчилардан, Чернобил халокатини бартараф этиш иштирокчилари бўлган ногиронлардан ҳақ олинмайди.
Эслатиб ўтамиз! Телефондан фойдаланиш ҳақи бўйича 1997 йили жорий этилган имтиёзлар сақлаб қолинди. Чунончи, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари, ногирон байналминал жангчилар, Чернобил халокатини бартараф этишда қатнашиб ногирон бўлиб қолганлар, биринчи гуруҳ ногиронлари, 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари телефон аппарати учун ойлик абонентлик ҳақининг 50 фонизини тўлайдилар. Қуйидагилар телефон аппарати учун тўловдан тўла озод этилади: қариялар ва ақши занфар уйлари, болалар уйлари ва болалар мактаб-интернатлари (ижтимоий муҳофазатда муҳтож бўлган).
Диққат!
Янги имтиёзлар жорий этилади: шаҳар ва қишлоқ телефон тармоқларида сўзлашув учун вақтбай ҳақ камайтирилади: соат 22.00дан 07.00гача сўзлашув учун 10 фониз.
Ўзбекистон Республикаси ички алоқасида шаҳарлараро телефон сўзлашувлари учун ҳақ камайтирилади.
иш кунлари соат 22.00 дан 07.00гача-15 фониз.
шанба, каниба ва байрам кунлари соат 22.00дан 07.00гача-20 фониз.
Телефондан фойдаланиш (абонентлик) ҳақи олдиндан тўлаб қўйилса чегирма жорий этилади:
танкилот ва фуқаролар учун: бир йил олдиндан тўланса-амалдаги абонентлик тўловининг 10 фониз, тўққиз ойга-8 фониз, олти ойга-5 фониз, уч ойга-3 фониз.
Тарифларнинг тўла рўйхати ҳамма электр алоқаси корхоналарида бор.
Электр алоқаси хизматларидан фойдаланиш!
Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлашни унутманг!

«Жалқаро Телеком» АК.
«Маҳаллий Телеком» АК.

«ЖАЛҚ СҮЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши
ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ
(масъул котиб —
«Жалқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
(масъул котиб —
«Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАҲХОДИЙ,
И. ХУДОЁЕВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙШЕРБЕКОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт —
133-57-34;
Ҳуқуқ —
136-07-94;
Иқтисодиёт —
136-36-65;
132-10-65
Маънавият ва маърифат —
136-35-60;
Хатлар —
136-29-89,
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар —
132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик —
133-78-92;
Халқаро ҳаёт —
132-11-15;
Котибият —
133-10-28;
Эълонлар —
136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 516,
22228 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ,
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTUM-II — компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОВАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб —
А. ОРИПОВ.
Набатчи муҳаррир —
Г. ЙҮЛДОШЕВА.
Набатчи —
О. РАЖАБОВ.
Мусахҳас —
Ш. МАНРАББОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қозондан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41.


Босишга топшириш вақти — 21.00
топирилиши — 22.10
1 2 3 4 5 6

“MIREД” ХУСУСИЙ ФИРМАСИ

қўйидаги ремонт-қуриш ишларингизни тез, сифатан ва кафолатан бажариб беришни таклиф қилади:

- ◆ Лойиҳа ижроси, иншоот смета қийматининг ҳисоб-китоби
- ◆ Ички ва ташқи дизайнини Оврупа стандартлари бўйича ишлаб чиқиш
- ◆ Бинолар ва иншоотларни «нол цикли» дан бошлаб тиклаш
- ◆ Биноларни таъмирлаш ва капитал ремонтдан чиқариш
- ◆ Электр-монтаж ишлари
- ◆ Сантехника ишлари
- ◆ Қозонхонани таъмирлаш бўйича тавсиялар берган ҳолда иншоотларни текшириб чиқиш
- ◆ Паркет гуруҳини ётқизиш
- ◆ Осма шиплар монтажи
- ◆ Муҳофазат-ёғин сигнал тизимини ўрнатиш
- ◆ Алюминдан ясалган витражларни ўрнатиш

Ишлар буюртмачининг талаб ва истақлари ҳисобга олинган ҳолда қисқа муддатларда бажарилади. Буюртмачининг шоянлик бажарилиши ишларнинг сифатига таъсир кўрсатмайди.



Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 59.
Тел.: 137-49-08, 130-94-80

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДЕҲҚОН, БУЮМ БОЗОРЛАРИ ВА САВДО ЯРМАКЛАРИ УЙИМАСИ

«ТОШБАЗОРТАЙЕРЛОВСАВДО»

БОШҚАРУВИ
УЮШМА АППАРАТИНИНГ БЎЛИМЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ИҚТИСОДЧИ, МУҲОСИБ ВА ҲУҚУҚШУНОС МУТАХАССИСЛАРНИ ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Мурожаат учун манзилими: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 31-уй.
Мўлжал: Тошкент автомобиль йўллари институти.
Телефонлар: 136-71-73, 136-71-76, 136-71-61, 133-51-56.
Факс 136-71-81. Уюшма бошқаруви.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг «Уматбаа-таъминот» республика корхонаси раҳбарияти ва жамоаси Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитаси раисининг ўринбосари Шухрат Аҳмедовга отаси **Ёқубжон АҲМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги жамоаси, вазирик бошқармаси бошлиғи Р. Исроиловга отаси **Исожон ИСРОИЛОВ**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ва Ботаника боғини жамоаси лаборатория мудири Рузқул Худойбердиевга отаси **Совра ва МУҲИДДИНОВА**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни жамоаси Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитаси раисининг ўринбосари Ш. Аҳмедовга отаси **Ёқубжон АҲМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.